

Фуқаро муҳофазаси институтидаги амалиёт

2020 йил 26 феврал куни “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” кафедраси доцентлари Б.Б.Утепов ва Н.Қ.Ражабовлар томонидан “Гидромелиоратив ишларни механизациялаш” факультети “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” йўналиши 3-босқич 309-гуруҳ талабаларининг институтда олган назарий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Фуқаро муҳофазаси институтига амалий кўникмаларини шакллантириш мақсадида амалиётга олиб бордилар. Фуқаро муҳофазаси институти томонидан бириктирилган ходим гуруҳ талабаларга алоҳида машғулотлар ўтилди.



Талабалар институтда ташкил этилган музейда бўлдилар ва у ердаги мавжуд бўлган экспонатлар билан яқиндан танишдилар. Экспозиция марказида талабалар биноларнинг зилзилабардошлиги ҳақида маълумотларга эга бўлдилар ва эвакуатсия ҳақида маълумотларга эга бўлдилар, жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва гуруҳ талабалари симуляция марказида йиғилдилар ва 8-9 баллик зилзила содир бўлса қандай ҳаракат қилиш бўйича кўникмаларини оширдилар. Фуқаро муҳофазасида ўтказилган машғулотлар талабаларга қизиқарли ва эсда қоладиган бўлди. “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” кафедраси ходимлари ва талабалар томонидан Институт раҳбариятига ҳам ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.



ТИҚХММИ матбуот хизмати